

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

**“ДАВЛАТ-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАР”
КАФЕДРАСИ**

Атемов Бобур

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

Б И Т И Р У В М А Л А К А В И Й И Ш И

Илмий раҳбар: ю.ф.н., доц. А.А.Дадашева

Тошкент – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш

1 боб. Ҳукумат фаолиятининг назарий ташкилий асослари.

1.1. Давлат ҳокимияти органлари тизимида ижро ҳокимиятининг тутган ўрни.

1.2. Ҳукумат фаолиятига умумий тасниф.

1.3. Хорижий мамлакатларда Ҳукуматнинг конституциявий ҳуқуқий жавобгарлиги.

2 боб. Ҳукумат конституциявий ҳуқуқий масъуллигининг ташкилий ҳуқуқий жиҳатлари.

2.2. Ишончсизлик вотуми интитуту конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик сифатида.

2.3. Ҳукумат аъзоларига нисбатан қўлланиладиган конституциявий ҳуқуқий санкциялар

3 боб. Ҳукумат конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик интитуту ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари.

3.1. Ҳукуматнинг бошқа давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларини ривожлантириш истикболлари.

Хулоса

Фойдаланилган адабийтлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлиб, ўз конституциясини қабул қилгач, барча соҳалари бўлгани каби давлат қурилиши соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди. Конституция ҳуқуқий давлат қуришдек мураккаб ва шарфли вазифанинг қонуний асоси сифатида ҳуқуқий давлатнинг умумэтироф этилган тамойилларини конституциявий даражада мустаҳкамлади. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим шартларидан бири ҳокимиятнинг бўлиниши тамойили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилига асосланади”, деб мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиги ҳам Республика Президенти таъкидлагандек, қонун чиқарувчи ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида барпо этилмоқда¹.

Шунингдек, ҳокимиятларининг тақсимланиш тамойилига қўра, ҳукумат давлат ҳокимиятининг махсус ваколати доирасига эга бўлган ижро этувчи органлари тизими шаклида намоён бўладиган мустақил тармоғи ҳисобланади. Ҳукумат қонун нормаларини ижро этиш юзасидан тегишли тартибда ҳуқуқий ҳужжатлар яратади. Ҳукумат мазкур йўналишдаги фаолияти қонун устуворлиги тамойилини давлат ва жамият ҳаётида амалга ошириш ва таъминлашга қаратилгандир.

Конституция ва қонунлар белгилаб берилган тартиб қоидалар моҳиятан мақсадга мувофиқ бўлса да, уларнинг ҳаммаси ҳам амалиётида осончилик “силлиқ” қўлланмавермайди. Тажрибада юз берадиган баъзи ҳолатларнинг ҳаммаси ҳам қонун нормаларида назарда тутилмаган. Чунки ҳамма аввалдан назарда тутувчи қонунлар ҳеч қачон, ҳеч қаерда яратилган эмас. Бу эса мавзунини атрофлича ўрганиш заруратини келтириб чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, “Жамиятнинг сийсий тизимини, давлат органлари тузилмасини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатларини аниқлаб белгилаб қўиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш лозим бўлади”² деган фикрни ҳам, мазкур мавзунинг ҳақиқатан ҳам долзарблигидан далолат беради. Бу масаланинг ҳуқуқий жиҳатлари қанчалик ижобий ҳал қилинган бўлинмасин, ушбу ҳуқуқий нормаларнинг қўлланилиши соҳасида, албатта, маълум муаммоларнинг бўлиши табиий ҳол.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирга қадар мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Ҳукуматининг конституциявий ҳуқуқий масъуллигини ўрганиш, унинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишдаги аҳамияти ва давлат органлари фаолиятини демократлаштиришда тутган ўрни ва аҳамиятини кўрсатишга оид ҳар тарафлама чуқур изланиш ва таҳлил қилиш, шунингдек, алоҳида монографик уўсиндаги махсус илмий тадқиқот иш олиб борилмаган. Лекин битирув малакавий мавзуга оид қууидаги уўналишлардаги изланишлар олиб борилганлигини таъкидлаш лозим, биз бу уўналишларни илмий раҳбаримиз билан биргаликда таҳлил қилиб бир неча уўналишга тақсимладик:

Биринчи йўналиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида тадқиқот ишига оид назарий методологик жиҳатлар ўз ўрнини топган бўлиб, уларда давлат қурилиши ва бошқаруви тизимида ҳамда Республикаимизда кечаётган сийсий ҳуқуқий жараунлар ҳукумат ва ижро ҳокимияти органларининг масъуллигини оширишга оид концептуал аҳамиятга эга ғоя ва фикрлар мавжуд.

Иккинчи уўналиш, давлат ва жамият, миллий давлатчилик, конституциявий назарияси ҳамда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳукуматнинг конституциявий ҳуқуқий жавобгарлиги билан боғлиқ умумий назарий ҳуқуқий масалалар А.А.Азизхўжаев, М.Бойдадаев, З.М.Исламов, Ф.Х.Рахимов, А.Х.Саидов, А.С.Турсунов, О.Т.Хусанов, А.Э.Рахмонов, А.М.Ҳошимхонов каби ўзбек

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарақиёт йўли. Т.: Ўзбекистон. 1992, 16 бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарақиёт йўли. Т.: Ўзбекистон. 1992, 16 бет.

олимларнинг тадқиқотларидан ҳамда Ю.И.Леубо, Ж.Локк, Ш.Л.Монтескье, В.Е.Чиркин каби хорижий олимлар асарларида ўз ифодасини топган.

Учинчи уўналиш, миллий давлатчилигимиз негизидаги сийсий ҳуқуқий ғоя ва таълимотлар, миллий ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши ҳамда давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатларига оид муаммоларни давлат ҳуқуқий фанлар нуқтаи назаридан ўрганишга қаратилган Х.Б.Бобоев, С.А.Султанов, А.А.Дадашева, Ж.Ў.Тошқулов, Э.Х.Халилов, С.М.Хидиров каби мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимларининг тадқиқотларини киритиш мумкин.

Тўртинчи уўналишдаги, изланишларни давлат ҳокимияти тизими, ҳокимият бўлиниш тамойиллари ва муаммолари, ҳокимият тармоқлар ўртасидаги муносабатлар, конституциявий ва маъмурий ислохатлар ҳамда ижро этувчи ҳокимият бошқарувининг аурим жиҳатларини тадқиқ этишга қаратилган бир қатор ўзбек олимларидан С.А.Аббосхўжаев, М.А.Ахмедшаева, З.Т.Воҳидов, Э.Р.Каспаров, О.З.Мухамеджанов, Х.Т.Одилқориев, А.Т.Тўлаганов, И.А.Ҳамедов, Э.Т.Ҳожиевларнинг шу жумладан хорижий олимлар К.Н.Бобилува, О.В.Бойко, Ю.М.Коваленко, В.В.Пашутин, Ю.М.Козлов тадқиқотларини ҳам кўрсатиш мумкин³.

Бешинчи йўналиш, бевосита давлат бошлиғи, ҳукумат аъзоларининг ҳуқуқий мақоми, ҳукумат ҳамда маҳаллий давлат ижро ҳокимияти органларининг ташкилий ҳуқуқий масалалари, унинг функциялари ва тузилиши ҳамда фаолияти уўналишининг муауян жиҳатларини конституциявий ҳуқуқ фани нуқтаи назаридан ўрганишга қаратилган хорижий ва мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимларининг тадқиқотларидан иборат.

Тадқиқотнинг мақсади. Мустақил Ўзбекистон Республикасида ҳукуматнинг конституциявий ҳуқуқий жавобгарликнинг турли кирралари ва йўналишларини ўрганиш долзарб масала эканлигидан келиб чиқади. Тадқиқотнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг конституциявий ҳуқуқий жавобгарлигининг мазмун моҳияти, унинг асослари, қўлланилиш тартиби, жавобгарлик чораларининг турлари, механизми, мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамиятини аниқлаш ҳамда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан боғлиқ фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асоси бўлган қонунчиликни янада ривожлантиришга имкон берувчи назарий қоидаларни ишлаб чиқишдир.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари. Тоталитар тузумдан демократик тузумга ўтиш даврида ҳукуматнинг ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятидаги асосий уўналишларни таҳлил қилиш орқали давлат қурилиши ва бошқарувига оид ислохатларнинг самарадорлигига баҳо бериш.

Давлат органлари тизимидаги ислохатларни амалга ошириш ҳамда жамиятни демократлаштириш, бошқарувни эркинлаштириш жараунида ҳукуматнинг фуқаролар олдидаги масъуллигини ошириш, унинг ушбу жараундаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг давлат ва жамият бошқарувига оид фаолият шакллари, уларни амалга ошириш усуллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг таркиби, уларнинг ўз фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқий муносабатларнинг моҳиятини очиб бериш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи манбалар моҳиятини ривожланиши босқичларини ўрганиш орқали уларни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш ва ҳ.к.з.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Давлат ҳокимияти фаолиятини самарали ташкил этиш, уни янада демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш шароитида

³ Ушбу кўрсатилган адабиётлар битирув малакавий ишнинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрни ҳамда унинг конституциявий ҳуқуқий масъуллигига оид ижтимоий ҳуқуқий муносабатлар тизими тадқиқотнинг объекти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ижтимоий табиати ҳамда унинг конституциявий ҳуқуқий мақомини тавсифловчи назарий, ҳуқуқий ва амалий асослари тадқиқот предметини ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги қувидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматнинг конституциявий ҳуқуқий масъуллиги илк маротаба институционал ҳамда комплекс равишда ўрганилди ва таҳлил этилди:

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатларининг таҳлили натижасида ҳукуматнинг давлат бошқаруви тизимидаги етакчи, ўрни ва асосий воситалари:

Учинчидан, ҳукуматнинг ўз фаолияти юзасидан конституциявий ҳуқуқий жавобгарлиги механизмининг белгилаб қўйилиши бозор иқтисодийтига асосланган демократик давлат ва жамият қуришда ўзига хос муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб берилди:

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бошқа давлат органлари билан муносабатларини такомиллаштириш масалалари тизимлаштирилган тарзда уритиб берилди:

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг демократик институтлар билан ўзаро муносабатларига доир масалалар аниқланди:

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига ва ҳукумат аъзоларига нисбатан қўлланиладиган конституцион ҳуқуқий санкциялар конституциявий ҳуқуқий жиҳатдан муауян мезонлар асосида тизимлаштирилди, Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи ҳокимиятининг яхлит тизимига раҳбарлиги ҳамда ушбу тизимнинг олий коллегиял органи деб эътироф этилди:

Еттинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига нисбатан қўлланиладиган конституцион ҳуқуқий санкцияларнинг асослари ва тартиби таҳлили орқали тегишли ҳулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Кириш, уч боб, еттита параграф, ҳулоса ва фойдаланилган адабийтлар рўухатидан иборат. Тадқиқот ишида 100 дан зийд манбалардан иборат. Ишнинг ҳажми ** бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

1 боб. Ҳукумат фаолиятининг назарий ташкилий асослари.

1.1. Давлат ҳокимияти органлари тизимида ижро ҳокимиятнинг тутган ўрни.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган мамлакатни модернизация қилиш ва жамиятни янгилаш орқали фуқарлик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш вазифаси қонунчилик тизимларини мунтазам ислоҳ этиш, такомиллаштириб борилишини тақозо этади. Ҳокимият ижтимоий категория (ходиса) бўлиб кишилиқ жамиятининг барча даврида (хатто давлат бўлмаган даврда ҳам) мавжуд бўлган. Ҳокимият доимий равишда ижтимоий муносабатларга, шахсий муносабатларга таъсир қилиб келган. Ҳокимият бошқаларга нисбатан устун туриш, бунинг учун кучга ега бўлиш ва бошқаларга нисбатан таъсир қила олишдир⁴.

Агар ҳокимиятга тушуниш осон бўлган енг оддий та'риф берадиган бўлсак у ижтимоий ходиса; кишилиқ жамиятининг барча босқичларида мавжуд бўлган ва жамият ривожланиши билан ривожланиб борган; ҳокимиятни ривожланиши жамият ривожига уоки аксинча жамият ривожига ҳокимиятга таъсир етган; ҳокимият муносабатида икки

⁴ Ҳокимият масаласи “Давлат ва ҳуқуқ назариясида” кенгрок ўрганилади.

томон биринчиси ҳокимият субъекти уоки ҳокимият егаси, иккинчи томон шу субъектга бўсунувчи томон бўлади; ҳокимият албатта кучга ега бўлади. Умумлаштириб айтадиган бўлсак, ҳокимият бошқаларга нисбатан ҳуқуққа ега бўлиш, кучга ега бўлиш ва бошқаларга таъсир қилишдир. Бошқалар деганда алоҳида шахс ёки шахслар, жамоа, оила, жамиятни тушуниш мумкин. Шунинг учун ҳокимиятни турлари, кўриниши турли-туман.

Инсонлар ўртасидаги муносабатларда ҳокимият онгга асосланади ва у онгли ҳокимиятдир. Масалан, Онгга асосланмаган, инстинктга асосланган ҳокимият ҳам бўлиши мумкин, хайвонлар тўдасида кучли хайвон ўз таъсирини бошқаларга ўтказиши ҳам ҳокимиятдир.

Ҳозирги кунда давлат мавжуд даврда ҳам давлат ҳокимияти билан бирга бошқа ҳокимиятлар ҳам мавжуд. Оилада оила бошлиғи ҳокимияти, жамоат бирлашмаларидаги ҳокимият, диний ташкилотларидаги ҳокимият ва ҳоказолар. Таъсир доирасига қараб сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳокимият бўлиши мумкин.

Бу ерда асосий эътиборни сиёсий ҳокимиятга қаратамиз, чунки сиёсий ҳокимият давлат томонидан амалга оширилади. Давлат ҳокимиятини таъсир доираси энг кенг ва кучли ҳокимиятдир. Унинг асосий белгиларидан бири бўлиб, ҳокимиятни амалга оширишда ошкора куч ишлатиш мавжудлиги, мажбурлов учун махсус органлардан фойдаланиши (милитсия, армия, махсус хизматлар), ҳокимият таъсири мамлакатларнинг барча ҳудудида ўз кучига ега бўлиши, унинг кўрсатмасини бажариш барча учун мажбурий (давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролар) ҳисобланади. Давлат ҳокимияти ўз ифодасини, эркини мажбурий равишда қонун, фармон, қарор асосида ҳаётга татбиқ қилади. Турли мажбурлов воситаларидан фойдаланади. Давлат ҳокимияти фақат қонун асосида ташкил етилган органлар томонидан, қонунга асосан амалга оширилади. Давлат ҳокимияти: қонунчилик ҳокимияти, ижро ҳокимияти, суд ҳокимияти орқали ижтимоий ҳаётга татбиқ қилинади. Давлат ҳокимияти яқка бошчилик: монархия, диктатура шаклида ёки коллегиял (жамоа) асосда, яқка бошчилик асосда иш олиб боровчи халқ томонидан сайлаб қўйилган органлар томонидан амалга оширилади.

Давлат ҳокимияти қўлланиш методига қараб ҳукмронлик, зўравонлик ёки демократик кўринишга бўлиниши мумкин. Ўзбекистон демократик давлат бўлганлиги учун, давлат ҳокимияти қонуний асосда саулаб қўйилган органлар: Президент, Парламент, ҳукумат, судлар, маҳаллий давлат органлари ва бошқа махсус муассасалар (прокуратура) томонидан амалга оширилади.

Улар томонидан амалга ошириладиган барча фаолият халқ манфаатига мос тушиши зарур. Амалга ошириладиган куч ишлатиш ва бошқа тазуиқлар ҳам халқ манфаати йўлида бўлишига ҳаракат қилинади.

Ўзбекистондаги давлат ҳокимияти, давлат мустақиллигини сақлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқаролар оёйишталигини та'минлаш, халқнинг фаровон турмуш-тарзини юуксалтириш вазифасидан келиб чиқиб, ўз фаолияти йўналишларини белгилайди ва ишни ташкил етади.

Юкоридигиларни умумлаштириб давлат ҳокимияти учун хос қуйидаги белгиларни кўрсатиш мумкин:

1. Давлат ҳокимияти бошқа ҳокимиятлардан таъсир доирасини кенглиги билан фарқ қилади. Я'ни фақат давлат ҳокимиятигина мамлакатнинг барча ҳудудида, барча аҳолига та'сир қилади. Давлат ҳокимияти мамлакат ҳудудида яшаётган чет ел фуқаролари ҳамда фуқаросиз шахсларга ҳам таъсир қилади.

2. Давлат ҳокимияти махсус суб'ектлар, профессионаллар, давлат хизматчилари томонидан амалга оширилади.

3. Давлат ҳокимияти ҳамма учун умуммажбурий қоидалар яратади, уларни қўллайди ва ўзи ҳам ўрнатилган қоидаларга амал қилади.

4. Давлат ҳокимияти мажбурловда реал кучга таянади, жазо чораларини қўллайди.

5. Давлат ҳокимияти доимий, узлуксиз амал қилади.

6. Давлат ҳокимияти халқ иродасинига таянади.

Ижроия ҳокимияти бевосита мамлакатни бошқараётган ҳукуматга тегашлидир. Ҳукумат, одатда, ҳукумат раҳбари (бош вазир, кенгаш раиси ёки вазирлар маҳкамаси раиси, биринчи вазир, канцлер ва шу кабилар), унинг ўринбосарлари ва ҳукумат аъзоларидан иборат бўлиб, улар давлат бошқарувининг алоҳида идораларини (вазирликлар, департаментлар) бошқаради ва вазирлар, котиблар, статис-котиблар деб номланади.

Ҳар бир давлатда битта ҳукумат ташкил этилади. Федератив давлатда умумфедерал ҳукумати ва федерация аъзолари ҳукумати мавжуд бўлади. Ҳукумат ўз ваколати доирасига кирувчи барча масалалар бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган ҳукукий ҳужжатлар чиқаради (фармонлар, декретлар, қарорлар ва фармойишлар).

Ҳукумат ўзининг кўп томонлама фаолиятини давлат маъмуриятининг кўп сонли органлари - вазирликлар, маҳ-камалар ва комиссиялар ва шу кабилар орқали амалга оширади. Вазирликлар ва бошқа идоралар мураккаб, кенг тараққий этган амаддорларнинг бюрократик аппаратига эга бўлиб, давлат механизми асосини ташкил этади. Ҳукук органлари бир мунча мураккаб, фуқаролик, жиноий, маъмурий, ҳарбий, транспорт ва бошқа судлардан иборат тизимдир. Унинг бошида олий ва конституциявий судлар туради. Суд органлари суд юритишнинг процессуал ҳукуки томонидан тартибга солинадиган одил судловни амалга оширади. Ижро ҳокимияти давлат ҳокимияти органлари тизимида тутуган ўрни асос ҳисобланади. Ижро ҳокимият ваколатлари ва вазифалари тахлили ва тушунчалари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовни башоратона фикр ва мулохазалари мазмунига кўра XX-асрининг сўнгги ўн йиллиги жаҳон тарихига ижтимоий дунёқарашда, жаҳон ҳамжамиятининг жўғрофий, сиёсий (геополитик) тузилишда туб ўзгаришлар даври бўлиб кирди. Жаҳон янги даврга қадам қўйди. Бу даврнинг ўзига хос белгилари, бир томондан, давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ва ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий маконларнинг вужудга келиши, ягона халқаро меъёрлар (нормалар), қоидалар ва андозаларга ўтиш бўлса, иккинчи томондан социалистик лагернинг емирилиши, тоталитар тузумнинг тугатилиши, унитар тизимлар ўрнида ёш мустақил давлатлар пайдо бўлишидир. Ер қуррасининг олтидан бир қисмида туб ислохатлар давом этмоқда. Бу эса янги тузилган мустақил давлатларда «давлат қурилиш» ва ижтимоий-иқтисодий ислохатлар ўтказиш муаммолари минтақаларнинг доираларидан ташқари чиқиб, ҳақли равишда умумжаҳон тусини олганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятни ижро этувчи органи Ўзбекистон Республикасида давлат бошқариш органларини мустақил йўналиши (турлари) бўлиб, конституцияни 11-моддасида қайд қилинади.

Ҳокимият ижро органлари давлат олиб бораётган сиёсатни, иқтисодиётни ва ижтимоий ўзгаришларни амалга оширувчи ижро органлари бўлиб, республикада фаолият олиб боришлари учун ихтисослаштирилган маъмурий ҳуқуқни шахси (объекти) ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўзгаришларни 1990 йилга келиб кескин ўзгариши, ССР иттифоқи мавжудлик шароитидаги ижрочилик органларини тузилишга, таркибларига, ваколатларига нисбатан Ўзбекистон Республикасини мустақиллик сари олиб бораётган интилишларини ўзида мужассамлаштиради.

1999 йилни 24 мартда Ўзбекистон Президентини сайланиши ва шу муносабат билан ижрочиликдаги уйғунлашиш Ўзбекистон Министрлар Совети органини Вазирлар Маҳкамасига айлантирилиши ва уни Президент ҳокимияти билан қўшиб юборилиб, Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилиб ва Президент айна бир вақтда Вазирлар Маҳкамасини раиси бўлди. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги битта аппаратга бирлаштирилди.

Қайд қилинган ҳолатларни мазмунан янгилиги Ўзбекистонда такомиллаштирилаётган ижро органларини тузилиши, таркиби ва ваколатларида янгича йўналиш олди.

ССР иттифоқи мавжудлигидаги ижро органлари, иттифоқ органлари, иттифоқчи ва автоном республика органлари.

Республика органлари. Маҳаллий органлар туркумида таркиб топиб демократик марказлашув асосида тузилиб, фаолият олиб борилад эди.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик декларацияси асосидаги Ўзбекистоннинг мавқеи, мавжуд ижрочилик таркибларини тугатди, Ўзбекистон Республикаси ҳудудий ҳолатидаги ижро органларини тузилишга олиб келди.

Ўзбекистон ССР Президенти лавозими таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикасида бундай тоифа ижро органларини Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликлар, қўмиталар, концернлар, уюшмалар (корпорациялар, миллий компаниялар) тизими ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 6 майда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 17-моддаси XX боби Вазирлар Маҳкамаси қисмини тўла кенгайтирилган ҳуқуқий манбаи яратилади.⁵

Қонунни умумий қонунда Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати деб белгиланади. Унинг зиммасига Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларининг самарали фаолият кўрсатишга, қонунлар ижро этилишига, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тузумига ва ўзи ташкил этган хўжалик бошқаруви органларига эга.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси тасарруфига оид бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мазкур қонунга мувофиқ ўзининг ваколатига қирувчи давлат ва хўжалик бошқарувининг барча масалаларини ҳал этишга ҳақлидир.

Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг таркиб топиши ва унинг таркиби Иттифоқ шароитидаги Ўзбекистон ССР Министрлар Советини таркиб топишидан фарқ қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон ССР Министрлар раисларидан иборат составда тузилган эди.

Ўзбекистон Республикасини барпо бўлиши билан Вазирлар Маҳкамасининг таркибига Бош Вазир, бош Вазирнинг биринчи ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси вазирлари, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларнинг раҳбарлари кирдилар.

Бош Вазир ва унинг ўринбосарлари Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар. Кейинчалик бу масала Олий Мажлис тасдиғига киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси лавозими бўйича Вазирлар Маҳкамаси таркибига қиради.

Вазирлар Маҳкамаси, яъни сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларининг зиммасидан соқит қилади.

5-модда Вазирлар Маҳкамасининг раиси.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади.

⁵ Ўзбекистон Олий совети ахборотномаси 1990 йил 31-33,37 модда.

Вазирлар Махкамасининг раиси Ўзбекистон Республикаси ҳукумати фаолиятига раҳбарлик қилади, ҳамда унинг ўз ваколатларини самарали амалга ошириши учун чора тadbирлар кўради.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Махкамасини асосий ваколатлари ва унинг ташкилий маъмурий масалаларини ҳал қилишнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади.

II. Ўзбекистон Республикасининг ҳокимиятини ижро этувчи Вазирликлари, концернлар, марказий орган ижро органлари тарихида бўлиб, ваколатлари: 1. тармоқли 2. тармоқлараро 3. тармоқ фаолиятини уйғунлаштириш даражасида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасидаги марказий ижро органларини такомиллашуви жараёни Ўзбекистон Республикасини иқтисодий, ижтимоий, сиёсий тараққиётини ўзида мужассамлаштириди.

Ўзбекистон Республикасидаги ижро органларининг таркибий тузилиши ССР иттифоқ давридаги ижро органларини тузилишидан фарқ қилади. Иттифоқ даврида Вазирликлар

- иттифоқ вазирликлари

- иттифоқчи ва автоном Республика Вазирликлари

- иттифоқчи республика Вазирликлари қўмиталари

- иттифоқчи ва автоном республикаси қўмиталаридан

- Республика қўмиталаридан иборат таркибида тузилар эди. Ўзбекистон Республикасини Мустақиллиги Ўзбекистонни суверен ижро органларини барпо қилади ва уларни ҳуқуқ ва мажбуриятини ҳар бирини фаолият йўналишига қараб белгилади. Ўзбекистон Республикасида қўмиталар тузилиши ва уларни фаолият йўналишларини белгилаш кенг кўламда авж олдирилди.

Ўзбекистон Республикасидаги Вазирликлар давлат ижро ҳокимиятини мустақил тармоқларидир. Ҳар бир Вазирликни бошқарилиши яққабошликни умумий муҳофаза асосида амалга оширилши принципига асосланади. Шу сабабдан ҳар бир тармоқ Вазирлигини Вазири, Вазирлар Махкамаси ва Олий Кенгаш олидида фаолияти юзасидан жавобгардир.

- Хўжалик соҳасидаги Вазирликлар;

- маънавий бойлик яратиш билан боғлиқ бўлган Вазирликлар;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи Вазирликлар (маъмурий, сиёсий)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш Давлат қўмитасини иш фаолиятини Ўзбекистон Республикасидаги хўжалик юритиш фаолиятини тартибга солишда, Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий ривожланишда йўналишларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирликларни ташкил қилишдек масалалари муҳофазаси Вазирлар Махкамасида ҳал қилиниб, Президентнинг фармойишига чиқарилиб, Олий Кенгаш раисининг қарори билан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикасида янги Вазирликларни барпо қилиниши, мавжудларини такомиллаштирилиши, Ўзбекистон Республикасини бозор иқтисодиётига ўтиши, давр талабига жавоб берадиган ҳолатларда таркиб топмоқда.

1990 йил 27 январда Ўзбекистон ССР халқ таълим Министрлиги, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ва Ўзбекистон ССР халқ таълими министрлиги тузилди.

1990 йил 29 сентябрда Ўзбекистон Республикаси мудофаа Ишлари Вазирлиги тузилди.

1991 йил 5 майда Ўзбекистон ССР давлат меҳнати ва ижтимоий масалалари қўмитасини Ўзбекистон ССР меҳнат Вазирлигига айлантириш тўғрисида 1992 йилни феврал ойида Ўзбекистон Республикасида Ташқи иқтисодий алоқалар Вазирлиги ташкил этилди. 1992 йилни 3 июлида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Ишлари Вазирлиги

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа Вазирлигига айлантирилиши, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, Ички ишлар Вазирлиги ва бошқа вазирликлар.

Вазирликларни фаолият асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси қонунларини Вазирлар Махкамасининг қарори, буйруқлари, йўриқномалари ва уларни ўзларини ҳуқуқ ва мансабларини белгиловчи ҳуқуқий ҳужжатлари.

Улар тўғрисидаги ҳуқуқий йўналишлар ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий ўзгариши ҳисобга янгидан шаклланади, услублари ўзгаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирликларни ҳуқуқий асосини:

-Ўзбекистон Республикаси Мехнат Вазирлиги тўғрисида Низом;

-Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим тўғрисидаги Низом;

-1993 йил 19 май Ўзбекистон ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1993 йил № 5 19-модда.

-Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1993 йил №9 35-модда.

-Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш Вазирлиги тўғрисидаги Низом. 1993 йил 12 октябрь.

-Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1993 йил №10 36-модда.

Ўзбекистон Республикасида марказий ижро органларидан давлат қўмиталари бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини белгилаш билан хўжалик соҳаларини улкан ўзгаришларини ўзида уйғунлаштирди. Давлат қўмиталари ваколати доирасида тармоқлараро фаолиятини амалга оширишни ўз зиммасига олди. Давлат қўмитасини раислари Вазирлар Махкамаси таркибига кирдирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасини у ёки бу қўмитани тузиш ҳақида Бош Вазирга, Республика Президентига мурожаат қилади. Президент Фармони билан таркиб топиб Олий Кенгашда тасдиқланди. Қўмиталар ҳуқуқ манбаси Вазирлар Махкамасида тасдиқланади.

1990 йилнинг 24 январиди «Ўзбекистон полеграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети»нинг номини «Ўзбекистон ССР матбуот Давлат комитети» деб ўзгартирилди.

1990 йил 12 июнда Ўзбекистон ССЖ ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар алоқа давлат қўмитаси ташкил этилди. 1990 йил Ўзбекистон ССЖ ташқи савдо хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат қўмитаси тузилди. 1991 йил Ўзбекистон ССР давлат режа қўмитаси Ўзбекистон ССЖ Иқтисодиёт қўмитасига айлантирилди.

1991 йил 25 октябрда Ўзбекистон Республикаси Божхона комитети ташкил этилди.

1992 йил 10 февралда Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш комитети (давлат мулк) тузилди.

1992 йил 13 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси тараққиёт истикболини белгилаш комитети ташкил этилди.

1992 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикасида Фан ва техника комитети (Ўз.Д.ФТДКни ташкил қилинди).

1992 йил 7 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича комитет ташкил қилинди.

1992 йил 5 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Махкамасининг истикболини белгилаш ва статистика давлат қўмитаси ташкил этилди.

1992 йилни 10 августиди Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси ташкил этилди.

1993 йилни 5 августиди Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш (Давархитектура қурилиш) қўмитаси ташкил қилинди.

1994 йилни 7 февралда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тузилди.

Фармон ва Вазирлар Махкамасининг қарори.

Ўзбекистон Республикасида Давлат қўмиталарини ваколати ва уларни мажбурлиги доирасида янгича таркиблар амалга оширилди. 1. Давлат қўмиталари мустақил тармоқ

саналиб, тармоқлараро ваколатга эга бўлиб, уларни раислари Вазирлар Махкамасига аъзо бўлсалар; 2. Давлат қўмиталари Вазирлар Махкамасини қошида (тассаруфида) фаолият олиб боровчи. 3. Президент ваколати тассаруфидаги ижро этувчи органлар.

Иккинчи тоифа қўмитасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси тўғрисидаги Низом, Вазирлар Махкамасининг 1992 йил 3 августдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган.

Ушбу Низомни 1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси бозор муносабатларини шакллантириш чора тадбирларини амалда рўёбга чиқариш ва рақобатни рағбатлантириш, унумли меҳнатни қўллаб-қуватлашни кучайтириш, республика ҳудудида давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ягона сиёсатини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган давлат бошқаруви органлари ҳисобланади.

Давлат мулк қўмитаси, Вазирлар Махкамаси тассаруфида бўлиб туради деб белгиланади. Ўзбекистон Республикасида тузилган давлат қўмиталари хўжалик, ижтимоий, маданий, маъмурий-сиёсий соҳалар йўналишларида тармоқли тузилган бўлсалар ҳам, уларнинг ваколати тармоқлараро фаолият олиб боришни тақоза қилади. Давлат қўмиталари фаолиятларида Вазирликларга хос ваколатларга эга бўлишлари билан уларни ўзларига ихтисослашган ҳолатлари ҳам мавжуд. Булар уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларида (низомда) батафсил берилган.⁶

Ўзбекистон Республикасида янги ижро органлари Давлат акциянерлик Савдо Вазирлиги 1992 йилни 7 майида Ўзбекистон давлат акционерлик «савдо» уюшмасига айлантирилиши. 1993 йилни 8 февралда Тошкент Давлат акциянерлик қурилиш корпорациясини ташкил қилинди. 1993 йили 3 апрелида Ўзбекистон гўшт ва сўт саноати Давлат акциянерлик уюшмаси (Ўзгўштсўтсаноат) ташкил қилинди. 1993 йилни 2 июнида Ўзбекистон Фармасептика концерни тузилди. 1994 йилни 28 февралда Ўзбекистон улгуржи ва биржа савдоси бўйича Республика акциянерлик уюшмаси «Ўзулгуржибиржасавдо» тузилди. 1994 йилни 18 мартда савдо ва тижоратга қўмаклашувчи «савдогар» ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банки ташкил этилди. 1994 йилни 7 ноябрида Ўзбекистон темир йўллари Давлат акционерлик компанияси тузилди.

Юқорида қайд қилинган акционерлик уюшмалари Ўзбекистон Республикасининг Президенти фармони билан таъсис этилди. Уларнинг асосий ҳуқуқий манбаи бўлиб Ўзбекистон Республикасида 1992 йилни 9 декабрида қабул қилинган «Хўжалик жамоалари ва ширкатлари тўғрисидаги» қонун.

Ўзбекистон Республикасида Давлат ҳокимиятини ижро органларини таъсис этилишини актив даври бўлиб 1990-1994 йиллар бўлди.

Ижро ҳокимияти органларини 1995 йилдан ҳозирга қадар таркиб топиши ёки уларни такомиллаштирилиши жараёнида қуйидаги ижро ҳокимияти органлари ҳуқуқий мақомни оладилар.

1995 йилни 26 июлида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан химоя қилувчи агентлик» ташкил қилинди.

1995 йилни 14 августида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Ташқи иқтисодий алоқалар Вазирлигининг хўжалик ҳисобидан бўлинмалари Давлат ҳиссдорлик компанияларга айлантирилди.

1.2 Ҳукумат фаолиятининг умумий таснифи.

⁶ Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1992 йил № 3 23-модда.

Ҳокимият ваколатлари учтармоғга бўлиниш тарихи. Давлат ҳокимиятига таллуқли бўлган белгилари, ижро ҳокимиятига таллуқли бўлган белгилари. Уларнинг тушунчалари ва моҳияти таҳлил қилинади.

Хорижий мамлакатларда Ҳукуматнинг конституциявий ҳуқуқий жавобгарлиги. Ривожланган мамлакатлар ҳукуматларининг конституциявий ҳуқуқий жавобгарлиги таҳлил қилинади. Ижро ҳокимият органлари фаолиятининг парламент томонидан назорат қилиниши, парламент томонидан ҳукуматга нисбатан ишончсизлик билдириш асослари, тартиби, ҳукумат аъзоларининг ўз лавозимларидан озод қилиниши жараёнларига тўхталиб ўтилган.

Давлат бошқаруви, бу ҳар бир халқ мустақил равишда амалга оширадиган жараёндир. Бунда ҳуқуқий давлатчиликнинг умумэтироф этилган концепциялари мавжуд бўлса да, халқ ўз конституциявий йўлини излаши, кўп жихатдан, аҳолининг анъаналари, ҳуқуқий онг ва манфаатларига мақбул ҳокимият шаклини куриши талаб этилади. Бундай ҳокимият шакли халқнинг ўзига хослиги, тарихий тажрибаси билан боғлиқ ҳуқуқий маданиятини ўзида намоён этади. Чунки барча халқлар учун мақбул келадиган тайёр андоза ва тавсиялар бўлмайди. Зеро, давлатчиликнинг барпо этилиши давлат курилиши соҳасидаги энг илғор халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда ҳар бир халқнинг ўзи босиб ўтиши керак бўлган конституциявий тараққиёт йўлидир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистоннинг конституциявий ривожланиши мамлакатимиз мустақилликка эришилган кундан бошлаб тадрижий, босқичма босқич, жамиятни, давлат ҳокимиятини бу соҳадаги ислохатларнинг изчил ва узвий тамойиллари асосида либерлаштириш ва босқичма босқич янгилаш ҳисобланади. Ушбу жараён сифат жиҳатидан ўзаро муштарак бўлган, бир бирини тўлдирадиган бир қанча ташкилий, қонун ижодкорлиги босқичларини ўз ичига олади.

Шу билан бирга, ўтиш даврининг барча қийинчиликларига қарамасдан, давлат ҳокимиятининг шаклланиши ва ривожланиши ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий тамойилини изчил амалга ошириш, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатнинг самарали тизimini барпо этишга асосланади.

Давлат ҳокимияти субъектлари ўртасида ваколатларнинг тўғри тақсимлаш босқичма босқич ҳал этилди. Бу борада ҳокимиятлар бўлиниши тамойили, ҳеч шубҳасиз концептуал йўналиш бўлиб, айни вақтда ҳокимиятни ташкил этиш ва уни муайян ривожланиш босқичидаги фаолият кўрсатиши бўйича қўлай моделни танлаш замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Ижтимоий иқтисодий ва ижтимоий сиёсий муносабатларнинг ривожланиши ва сиёсий давлат ҳуқуқий ва фуқаролик институтларининг етуқлиги ортиши, сиёсий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалиб бориши билан Президент ваколатларининг изчил ва босқичма босқич равишда парламентга ва Вазирлар маҳкамасига ўтказиб берилиши асосида давлат бошқаруви органларининг маъсулияти ортиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президенти илгар бир вақтни ўзида эгалаб келган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозими тугатилганлиги либераллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Қабул қилинган қонунларга биноан, Бош Вазир Вазирлар маҳкамасининг фаолиятларини ташкил этиш билан бирга, унга раҳбарлик қилади, унинг фаолияти самардорлигига шахсан жавоб беради. Шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари бўйича қарорлар қабул қилади.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро ҳокимиятининг бошлиғи эканлигини белгилайдиган нормаларнинг чиқариб ташлаши муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий ҳуқуқий ўзгаришлардан бири бўлди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89 моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишнинг ҳамда ҳамкорлигини таминлайди.

Давлатчилик тизимининг демократик янгиланиш жараёнларида мамлакатимизда демократик ислохатларнинг янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг ривожлантириш концепция навбатдаги қудратли туртки бўлди. Мамлакатни

демократлаштириш ва ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичида, мазкур концепцияга биноан, 2011 йилда Конституцияга сайловда энг кўп овоз олган сиёсий партия томонидан кўрсатилган бош вазир номзоди Парламент муҳокамасига қўйилиши ҳақидаги ўзгартирилар киритилиб ҳукуматга ишончсизлик вотуми институти жорий қилинди ва шундан келиб чиқадиган бошқа чоралар амалга оширилди. 2011 йилги Конституциявий ислоҳат Парламент мақомини янада мустаҳкамлаб, унинг сиёсий мафқийини оширди ва ислоҳатларнинг самарали олиб борилиши учун масъул бўлган ҳукуматни яъни жамиятдаги ҳукумрон сиёсий манфаатларни ифода этадиган Парламентга ҳисоб берадиган ҳукуматни шакллантиришга асос солди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига давлатимиз раҳбари томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида(32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддаларига)”ги қонун лойиҳасининг киритилиши ҳокимият тармоқлари ваколатларининг мутаносиб равишда бўлинишини таъминлаш тамойиллигига асосланган миллий давлатчилик моделини такомиллаштириш борасида босқичма босқич амалга оширилаётган ислоҳатларнинг мантикий давомидир.

Жамиятимиз ҳаётининг турли жавҳаларини айниқса иқтисодиёт, давлат ва жамият қурилишини либераллаштиришга қаратилган янги вазифалар ва барча ҳокимият тармоқлар мустақиллигини кучайтириш зарурати мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳатларни яеда чуқурлаштириш ва ижтимоий иқтисодий соҳадаги масалаларни ҳал этишда ижро ҳокимияти тизимини ва давлат бошқарувини мутаносиб равишдатакомиллаштиришни, Вазирлар Маҳкамасининг роли ва мустақиллигини кучайтириш талаб этди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси ваколатларини янада аниқ равшан белгилаб зарурат туғилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 98 моддасининг янги таҳририга кўра, Вазирлар Маҳкамаси биринчидан, самарали иқтисодий, ижтимоий моллиявий, пул кредит сиёсатини олиб бориш: илм фан, маданият, таълим тарбия, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади: иккинчидан, фуқароларни иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқларни, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора тадбирларни амалга оширади: учинчидан, давлат ва хўжалик органлари фаолиятининг мувофиқлаштиради ва йўналтиради, шунингдек, қонунда ўрнатилган тартибга кўра, уларнинг фаолияти устидан назорат олиб боради: тўртинчидан, Ўзбекистон республикаси қонунлари Олий Мажлис қарорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган фармонларни қарор ва фармойишларни ижросини таъминлайди: бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакатимизнинг ижтимоий иқтисодий ҳаётига доир масалалар юзасидан йиллик ҳисоботларни тақдим этади: олтинчидан, ушбу Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллиги ва ваколатларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98 моддасига тузатиш киритиш белгиланган бўлиб унга кўра Вазирликлар, давлат қўмиталари ва барча ҳокимият тармоқлари мустақиллигини кучайтириш зарурати мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳатларни янада чуқурлаштириш, давлат қурилиши ва ижтимоий иқтисодий соҳадаги масалаларини ҳал этишда ижро ҳокимияти тизимини ва давлат бошқарувини мутаносиб равишда такомиллаштиришини, Вазирлар Маҳкамасининг роли ва мустақиллигини кучайтиришни талаб этди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси ваколатларини янада аниқ равшан белгилаб олиш зарурати туғилди. Ўзбекистон Республикаси 98 моддасининг янги таҳририга кўра, Вазирлар Маҳкамаси, биринчидан самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул кредит сиёсатини олиб бориш, илм фан, маданият, таълим тарбия, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқали ва амалга оширади: иккинчидан,

фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқларини, қонуний манъфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора тадбирни амалга оширади: учинчидан, давлат ва хўжалик органлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, шунингдек уларни фаолияти устидан назорат олиб боради: тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий мажлис қарорлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган фармонлар, қарор ва фармойишларининг ижросини таъминлайди: бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакатимизнинг ижтимоий иқтисодий ҳаётига доир масалалар юзасидан ҳисоботларни тақдим этади: олтинчидан, ушбу Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллиги ва ваколатларни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 моддасига, ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини ташкил этиш ва тугатиш ишлари вазирлар маҳкамаси тақдимида биноан Президент томонидан амалга оширилади. Бундай тартиб ҳукуматнинг давлат бошқаруви тизимининг уюштириш борасидаги имкониятларни кенгайтиради ва шу билан бирга унинг маъмурий идоралар фаолиятини самарали ва сифатли йўлга қўйиш борасидаги масъулиятни оширади.

Муҳим янгиликлардан яна бири бош Вазирни лавозимга тайинлашни янги тартибидир. Конституциямизнинг янги таҳриридаги 98 моддасига мувофиқ, Бош Вазир лавозимига номзод Олий Мажлисга унинг номзоди кўрилиши ҳамда тасдиқланиш учун Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этди. Бундай тартиб лавозимга тайинлашнинг маъно мазмунини ва хусусиятини принципно жиҳатда бутунлай ўзгартиради. Энди нафақат номзод шахсиятига хос ўзига хосликлар, балки у ҳукумат раҳбари сифатида амалга оширишнинг ўз олдига мақсад қилиб қўйган дастурнинг маъно мазмуни ҳисобга олинади. Мазкур ҳолат мамлакатимизнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишига дахлдор ва долзарб муаммоларнинг ҳукумат шаклланиши босқичидаёқ кенг муҳокама қилиниши учун имконият яратади ҳамда ҳокимиятнинг ушбу инситути олдига том маънода янги талаблар қўйади.

Мамлакатимизда сўнги ўн йиллар давомида амалга оширилган ислохатлар натижасида ижро ҳокимиятнинг ижтимоий иқтисодий, жараёнларини самарали бошқаришни таъминлай оладиган замонавий модели яратилган деб таъкидлашга бугун барча асослар бор. Шу билан бирга, Конституцияга тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши миллий қонунчилигимизга янгитан киритилган Конституциявий нормаларни амалга ошириш, демократик ислохатларнинг либераллаштириш бўйича комплекс дастурларни рўёбга чикраиш зарурлигини кун тартибга қўймоқда.

Аввало, янгитан шаклланадиган Вазирлар маҳкамаси маъмурий тузимини ислоҳ қилишдан ўз фаолиятининг устувор йўналиши сифатида қарайди деб ҳисоблаш мумкин.

Айни жойда, жамият ва фуқаролик институтлари учун ижроя ҳокимият органларининг фаолиятига оид маълумотлар очиқлигини таъминлашнинг ташкилий ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш Конституциявий ислохатларининг энг муҳим устувор йўналиши бўлиши лозим. Шу муносабти билан мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур қонун бошқа муҳим қонунлар яъни долзарб аҳамиятга эга бўлган Адлия ва маъмурий тартиб тамойиллар, давлат хизмати, давлат ва хўжалик бошқаруви асослари, маъмурий нормалар ижодкорлиги тўғрисидаги қонунлар билан чимбарчас боғлиқдир. Шу билан бирга маъмурий ҳуқуқни янада ривожлантириш ва модернизация қилиш давлат қурилиши, Ўзбекистонда давлат бошқарувининг маъмурий ҳуқуқий муаммоларининг

татқиқ қилишнинг самардорлигини ошириш масалаларини ҳам муҳим долзарб аҳамият касб этади. Афсуски, ҳозирги кунда маъмурий ҳуқуқ соҳасида эски қолибдаги билимлар кўзга ташланмоқда. У жадал ривожланиб бораётган амалиёт эҳтиёжларидан орқада қолмоқда.

Давлат ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳатлар эҳтиёжи маъмурий ҳуқуқни ривожлантиришда мамлакатимизда давлат бошқаруви амалиёти бугунги кунда қандай ҳолатда эканлиги ва бу борадаги тарихий мероснинг ўзига хос хусусиятлари, давлат бошқаруви амалиёти ва назариясининг жаҳон миқёсидаги илғор ютуқларини ўзида уйғунлаштирилган янги назарий ёндашувларини ишлаб чиқиш заруратини кун тартибига қўймоқда.

2 боб. Ҳукумат конституциявий ҳуқуқий масъуллигининг ташкилий ҳуқуқий жиҳатлари.

2.1. Ишончсизлик вотуми интитуту конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик сифатида.

Маълумки, Президент И.А.Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида замонамиз ва давлатчилигимизнинг энг долзарб масалаларига бағишланган “Мамлакатимиз демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тўғрисида маъруза қилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси мазкур маърузада кўтарилган, юртимиз келажаги ва истикболига оид масалалар, илгари сурилган ғоя ва фикрлар ҳақида маълум тушунча ва тассавурга эга. Зеро, сиёсий жиҳатдан фаол кўпгина фуқаролар Концепция бўйича ўзларининг қарашларини, фикрларини ҳамда муносабатларини билдирмоқдалар. Бинобарин, бу мамлакатимиздаги деярли барча оммавий ахборот воситаларининг, турли даражали ва доирада ташкил қилинаётган учрашувлар, йиғилишлар, анжуманлар ва давра суҳбатларининг асосий мавзусига айланган.

Ҳа, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки мамлакатимиз раҳбарининг маърузасида, бизнинг асосий, узоқ муддатли ва стратегик вазифаларимиз, яъни Ўзбекистонда инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтариладиган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик ва бозор ислоҳатларини янада чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш каби ўта муҳим масалалар ва уларнинг ечимлари хусусида сўз юритилди ва олтига энг муҳим йўналишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар хусусида сўз юритилди. Дарҳақиқат, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёнлари жадал суръатлар билан кечаётган, қатъий ва изчил тус олган, одамларимизнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ниҳоятда ошиб бораётган, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги давлат ва жамият ҳаётини янада демократлаштириш масаласи доимо долзарб бўлиб қолаверади.

Мамлакатимизда демократияни янада кенгроқ таъминлаш мақсадида Юртбошимиз томонидан қонунчилик ташаббусидан фойдаланиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида Ўзбекистон тарихида биринчи марта бош Вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми институтини жорий этиш таклиф қилинди. Бунга асосан Конституцияимизнинг Вазирлар маҳкамасининг ҳуқуқий мақомига бағишланган 98-моддасига тегишлича ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, яъни Бош Вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик тамойилларнинг ифодаладиган янги тартиб ўрнатилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Бош Вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқини берилди. Хусусан, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик

вотумини билдириш ҳуқуқи қуйидагича баён қилинган, “Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақида масала киритилди.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимдан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади...”.

Табиий саволлар туғилади: ишончсизлик вотуми нима дегани, унинг демократияга қандай алоқаси бор, бу институтнинг давлат ҳокимиятини демократлаштиришдаги ўрни ва аҳамияти қандай намоён бўлади, у жамиятга, халққа нима беради?

Аввало вотум, ишончсизлик вотуми тушунчалари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. “Вотум” атамаси лотинча «votum» - хоҳиш, ирода деган сўздан олинган бўлиб, сайлов натижасида йки вакиллик муассасасида кўпчилик овоз билан ифодаланган ёки қабул қилинган фикр ёки қарор маъносини англатади. Масалан, сайлов вотуми деганда парламент, президент, маҳаллий ҳокимият органларига сайлов бўйича сайлов компанияси натижалари тушунилади. Парламент амалиётида ҳукумат ёки айрим вазирнинг сиёсий йўли, муайян тадбири ёки қонун лойиҳасининг одатда қуйи палата томонидан маъқулланиши ишонч вотуми дейилади. Аксинча, ҳукумат ёки унинг бошлиғи, шунингдек бирон-бир аъзоси тутган сиёсий йўл, муайян тадбир парламентнинг қуйи палатаси томонидан номаъқул деб топилса, бу ишончсизлик вотуми деганидир.

Конституциямизнинг 98-моддасига киритилган ишончсизлик вотуми институтига биноан, гарчанд Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала назарда тутилаётган бўлса ҳам, аслида ишончсизлик вотуми бутун ҳукуматга нисбатан ҳам билдирилган ҳисобланади. Чунки Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Президент номига расман киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис паларининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилиб, кейинчалик Конституцияда назарда тутилган тартибда бу масала кўриб чиқишга олиб келса, у ҳолда Вазирлар маҳкамасининг бутун таркиби ҳам Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Бош вазирга нисбатан билдирган ишончсизлик вотуми бу ҳукуматга – Вазирлар Маҳкамасига нисбатан ҳам билдирилган демакдир.

Ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқининг амалда таъминланиши учун қуйидаги тартиб ва шароитлар талаб қилинади; биринчидан, Бош вазир билан Қонунчилик палатаси ўртасидаги зиддиятлар доимий тус олган бўлиши керак; иккинчидан, бу масала Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан кўллаб-қувватланган бўлиши лозим; учинчидан, Президент номига бу ҳада расман таклиф киритилган бўлиши зарур; тўртинчидан, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овози билан қабул қилинган бўлиши керак; ва ниҳоят, бешинчидан, Президент Бош вазирни лавозимидан озод этиш бўйича тегишлича қарор қабул қилинган бўлиши лозим.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдиришнинг юқоридаги тартибига диққат билан эътибор бериладиган бўлса, бунда аввало Бош вазир билан Қонунчилик палатаси ўртасидаги зиддиятлар доимий тус олганда масала Бош вазир фойдасига эмас, балки мамлакатимизнинг умумхалқ сайловлари йўли билан шакллантириладиган

олий, халқ вакиллик органи – Қонунчилик палатаси фойдасига ҳал қилинади. Айнан шу ерда ишончсизлик вотуми институтининг энг демократик моҳияти кўзга яққол ташланади. Бинобарин, Қонунчилик палатаси бевосита халқ томонидан сайлаб қўйиладиган, халқ ҳокимиятчилигини ифода этадиган олий вакиллик органидир.

Масаланинг иккинчи жихатига назар ташласак, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми, яъни 150 та депутатдан камида 50 таси томонидан қўллаб-қувватланган бўлиши лозимлиги ҳам демократия талабига тўлиқ жавоб беради. Чунончи, Қонунчилик палатасида бундай кўпчилик овозга асосан халқнинг энг кўп овозини олишга сазовор бўлган, халқ ишончига кўпроқ даражада эришган, ҳокимиятни бевосита халқдан олган у ёки бу сиёсий партия вакиллари – депутатлар – халқ вакиллари эга бўлиши мумкин.

Қолаверса, бу масала давлат бошлиғи – Президентнинг тасдиғидан ўтиши талаб қилинмоқда. Дарҳақиқат, бу табиий ҳолат. Чунки, Президент Конституция бўйича давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайдиган давлат раҳбаридир. Шунингдек, Конституциямизнинг 10-моддасида қайд этилишича, Ўзбекистон халқи номидан иш олиб бориш ҳуқуқи Олий Мажлис билан бир қаторда Президентга тегишли. Президент бевосита халқ томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Демак, Президент худди шу йўл билан халқдан ваколат олади ва унинг номидан иш кўради. Шу тариқа, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми Президент номига расман киритилган таклиф асосида бўлиши лозимлигининг демократик жиҳатини айнан шундадир.

Мамлакатимизда жорий қилинаётган мазкур институтнинг энг асосий жиҳати шундаки, Бош вазирга билдирилган ишончсизлик вотуми тегишлича Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмиовоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Шундан сўнг Президент Бош вазирни лавозимдан озод этиш бўйича қарор қабул қилинди. Бундан Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади. Кўриб турганимиздек, бу масала охириги босқичида ҳам аслидан Олий Мажлис, яъни олий халқ вакиллик органи томонидан узил-кесил ҳал қилинади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ишончсизлик вотуми институтининг жорий қилиниши мамлакатимизда давлат ҳокимиятини янада демократлаштириши ва эркинлаштириши табиийдир. Чунки бу институт: 1) парламентнинг ҳукумат устидан назоратини, айти пайтда ҳукуматнинг парламент олдидаги масъулиятини янада кучайтиради;

2) аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг янада ўсишига олиб келади, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда янада кенг иштирокини таъминлайди;

3) сиёсий партиялар фаоллигининг кескин оширишига, улар ўртасида рақобат асосидаги курашнинг кучайишига, чинакам кўппартиявийликнинг шаклланишига, сиёсий партияларнинг ижро ҳокимиятини шакллантиришдаги ролининг ортишига, давлатни бошқаришда реал иштироки ва масъулиятининг кучайишига, халқ олдидаги обрўси ва масъулиятининг ошишига, давлат ҳокимияти органлари олдидаги нуфузининг кўтарилишига, ижроия органлар билан ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигининг кенгайтиришига кўмаклашади;

4) давлат бошқарувида, ижро ҳокимиятини шакллантиришда парламентнинг роли янада кучайтиришга замин ҳозирлайди;

5) демократик жараёнларнинг янада чуқурлашиши ва илдиз отиши, жумладан, эркин фикрлаш, сўз эркинлиги каби конституциявий ҳуқуқларнинг амалга ошишига кўмаклашади;

6) сиёсий партиялар орқали давлат органлари ва мансабдор шахслар устидан жамоатчилик назоратининг кучайишига сабаб бўлади;

7) ҳукумат, Бош вазир ва Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг ўз вазифаларига нисбатан масъулиятининг янада оширишга олиб келади;

8) аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ўсишига, жамият аъзолари сиёсий фаоллигининг кучайишига ва охир-оқибат халқ манфаатларининг янада кенгроқ рўёбга чиқишига янгидан-янги шарт-шароитларини вужудга келтиради ва ҳоказо.

Шундай қилиб, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради».

3 боб. Ҳукумат конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик институти ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари.

3.1. Ҳукуматнинг Қорақалпоғистон Республикасида давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларини ривожлантириш истикболлари.

Қорақалпоғистон суверинитетга эришгандан сўнг мамлакатда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларни белгилаб берадиган, фуқаролар манфаатларини химоя қилувчи олий даражадаги ижроия ҳокимияти барпо этилди.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас шarti бўлган ҳокимиятининг тақсимланиш принципи асосида мустақил ижро ҳокимиятини амалга оширувчи органлар вужудга келди. Улар ҳокимиятнинг алоҳида турини амалга оширади. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳукумати-Вазирлар Кенгашидир.⁷

Вазирлар Кенгаши олий ижро органи бўлиб, у қонунларни ижро этади ва давлат бошқарув функциясини бажаради. Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тузилади.

Янги Конституцияда ижро ҳокимияти органларининг мустақиллигига, уларнинг мавқеини кўтаришга алоҳида эътибор берилади. Чунки «кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, хатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмаслиги мумкин»⁸.

Ижро ҳокимияти кучсиз бўлса, унинг фаолиятига бошқа органлар асосан аралашаверса, унда қонунлар қоғозда қолиб кетаверади, чунки кучсиз орган ўз вазифасини бажара олмайди.

Республикада ижро органлари тизимини такомиллаштириш, уларнинг мавқеини кучайтириш чораларини кўришда давлатчилигимиз тарихига, миллий анъаналарга алоҳида эътибор берилди. 1993 йилги Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси республиканинг ҳозирги ижро ҳокимияти органлари тизимини мустаҳкамлади. Унга асосан ижро ҳокимияти органларининг бир неча тури мавжуд бўлиб, улар шартли равишда алоҳида гуруҳларга бўлинган.

1. Ижро ҳокимияти органлари (марказий) ва маҳаллий (қуйи) ижро ҳокимияти органлари. Республика миқёсида ижро ҳокимияти олий органи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашидир. Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳудудий бўлинишлардаги ҳокимлар ҳисобланади.

2. Умумий ваколати ва махсус (тармоқлар, соҳалар бўйича) ваколатли ижро органларига Вазирлар Кенгаши, ҳокимлар киради. Махсус ваколатлиларга вазирликлар, кўмиталар, концернлар, ассоциациялар, маҳаллий ижро ҳокимияти бўлим ва бошқармалари киради.

⁷ Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Н.»Қорақалпоғистон» 1998 йил, 43 бет.

⁸ Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» Т.Ўзбекистон 1992 йил, 16 бет.

3. Коллегиаллик асосида ва яккабошлик асосида иш юритувчи органлар. **Биринчисига**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, **иккинчисига** эса хокимлар, вазирлар, қўмиталар, концернлар, ассоциациялар, маҳаллий ижро ҳокимияти бўлим ва бошқармалари киради.

4. Тайинланадиган органлар. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, хокимлар, вазирлар, қўмиталар, концернлар, ассоциациялар, маҳаллий ижро ҳокимияти бўлим ва бошқармалари бошлиқлари.

Ушбу юқорида қайд этилган органлар йиғиндиси ижро ҳокимияти органлари тизимини ташкил этади ва бу тизим ҳокимлардан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси томонидан идора қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳукуқий ҳолатнинг асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 70-моддасида, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида ХХ-боб 86-91 –моддаларида мустахкамланган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Республиканинг Жўқорғи Кенгеси олдида маъсулдир ва унга ҳисобот бериб туради.

Ўзбекистон билан Қорақалпоғистон Республикалари ўртасида ўзаро муносабатларни ташкилий жihatдан мустахкамлаш учун, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Доимий Ваколатхонаси ташкил этилиб, унумли ишлар бажариб келган эди.

Кейинроқ, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ўзида демократик принципларини мужассамлаштирган янги Низом ишлаб чиқариш зарурати туғилди ва ушбу тарих Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши 1999 йил 15 январидagi №18/1 қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий Ваколатхонаси тўғрисида Низом қабул қилинди. Бу Низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари ва бошқа ташкилотлари билан хўжалик ҳамда маданий бўйича кундалик алоқаларини амалга оширувчи ташкилот ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йўналтириб туради. 1993 йил 6 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуни билан белгиланганидек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси- ҳукумат бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради. Вазирлар Кенгаши Раиси Республика Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти розилиғи билан қилинган таклифига биноан Жўқорғи Кенгес томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан бўшатилади.⁹

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ваколатлари, унинг иш тартиби, Қорақалпоғистон Республиканинг бошқа давлат органлари билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг муносабатлари Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.¹⁰

«Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига асосан Вазирлар Кенгаши таркибига: Вазирлар Кенгаши Раиси, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлари, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда бошқа органларнинг раҳбарлари киради: Илова №1

Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Вазирлар Кенгаши аъзолари Вазирлар Кенгаши Раисининг таклифига биноан Жўқорғи Кенгес Раиси томонидан кейинчалик Жўқорғи Кенгеснинг тасдиқлаши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциянинг 87-моддасига асосан Вазирлар

⁹ Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. Н, «Қорақалпоғистон» 1998 йил(88-модда), 44-45б.,

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисидаги қонуни. 1998 й, 29 январ (5-модда) 2 б.

¹⁰ Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. Н, «Қорақалпоғистон» 1998 йил(91-модда), 47-б.,

Кенгашилини тузиш, тайинлаш ва тасдиқлаш йўли билан амалга оширилади, яъни Жўқорғи Кенгеси Раиси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарини, вазирларни, кўмита раисларини ва бошқаларни президиум қарори билан лавозимга тайинлайди. Сўнг улар Жўқорғи Кенгесда тасдиқланади. Вазирлар Кенгаши-Қорақалпоғистон Республикасининг ҳукумати иқтисодий- ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижро этилишга раҳбарликни таъминловчи Қорақалпоғистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органидир. Вазирлар Кенгаши давлат бошқаруви органлари тизимида ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви тузумларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжихатлик билан ишлашини таъминлайди. Вазирлар Кенгаши Республикада яшовчи барча миллатлар манфаатларини ҳисобга олиш учун ўз фаолиятини ошқоралик, инсонпарварлик ва қонунийлик асосида олиб бормоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида Вазирликлар ижроия ҳокимиятининг марказий органлари ҳисобланиб, улар халқ хўжалиги тармоқлари ва ижтимоий маданий соҳаларни бошқариб борадилар.

Алоҳида вазирлик эса марказий бошқарувнинг тармоқ бўйича ижроия ҳокимияти органи ҳисобланиб, ушбу соҳага оид қонунлар ижроси бўйича уларга асосланиб иш юритадилар. Уларнинг давлат ҳокимияти ваколати берилган ўз вазифалари бор, ўз қуйи ва тобе органлари, тармоқни ривожлантириш турли жабҳаларига маъсул бўлган идоралари бўлади.

Вазирлик-бу-бошқарувнинг соҳавий шаклидир. Улар жабҳани бошқариш тармоғида асосий бўғинни ташкил этади. Шу сабабли вазирлик тушунчаси маълум тоифадаги соҳа билан ҳамбарчас боғлиқдир. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида Ижтимоий таъминот ва меҳнат вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 1-моддасида: «Ижтимоий таъминот вазирлиги Қорақалпоғистон Республикасида нафақахурлар, ногиронлар ва кам таъминланган болалари бор оилаларни ижтимоий ҳимоялашда ягона давлат сиёсатини таъминлаш бўйича давлат бошқаруви органи ҳисобланади, Республикада уларга нафақа ва ижтимоий хизмат кўрсатишни ташкил этади»- дейилган.

Таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси ўз давлат мустақиллигига эришгандан сўнг бошқарувнинг марказий ижроия маҳкамалари фаолиятида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Республикада юз берган ва бераётган туб иқтисодий ўзгаришлар соҳавий бошқарувни ислох қилишда ўз аксини топа борди.

Масалан, Савдо вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раёсатининг 1992 йил 28 май фармони билан Қорақалпоғистон давлат акциядорлик ассоциацияси –«Қорақалпоқсавдо»га, Маиший хизмат кўрсатиш вазирлиги-Қорақалпоғистон Республикаси маиший хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотлари уюшмаси («Қарақалпақбўтсоюз»)га айлантирилди. Республика Жўқорғи Кенгеси Президиумининг 1992 йил 25 сентябрдаги Фармони билан маҳаллий саноат вазирлиги тўхтатилиб, ўрнига аввал «маҳаллий саноат» давлат ишлаб чиқариш – савдо концерни, сўнгроқ эса шу номдаги акциядорлик компаниясига айлантирилди.

Соҳаларни бошқариш тизимида юз берган жиддий ўзгаришларга мисол қилиб, Меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича давлат кўмитасини 1991 йил номида Меҳнат вазирлигига айлантирилишини, 1996 йил декабрида қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини ташкил этилишини, 1992 йил июлида янги Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, 1997 йил май ойида Иқтисодиёт ва статистика вазирлигини ташкил этилганлигини келтириб ўтиш жоиздир. Сўнгга 2003 йилдан улар Иқтисодиёт вазирлиги ва Статистика Давлат кўмитаси бўлиб қайта ўзгартирилди.

Хуллас, Қорақалпоғистон вазирликлари тизимида жиддий ўзгаришлар рўй бериб, бугунги кунда:

- Иқтисодиёт вазирлиги
- Комунал хизмат агентлиги
- Соғлиқни сақлаш
- Ижтимоий таъминот
- Маданият ишлари бўйича
- Мехнат
- Адлия
- Ички ишлар
- ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги мавжуддир.

Улар ўз фаолиятларини юрита бориб, кўплаб бошқа давлат органлари ва идоралари билан ўзаро муносабатда бўладилар. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгес давлат ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи органи сифатида республикага тегишли барча масалаларни ҳал этишга ваколатли бўлиб, вазирликлар билан қонун чиқариш функциясини амалга оширишда соҳавий жипс алоқада бўлади. У республика манфаатига оид давлат, иқтисодиёт, ижтимоий, маданий ва бошқа ҳар қандай масалани муҳокама қилиш ва ҳал қилишда вазирликни жалб қила олади. Жўқорғи Кенгес томонидан қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида ҳам вазирликлар ижроия ҳокимият институти фаолиятини амалга оширишдаги ваколатлари аниқ акс эттирилган.

Вазирликларнинг ҳуқуқий жихатдан ишлаши, фаолият кўрсатиш субъекти сифатида жамият ҳаётининг турли жабхаларини йўналтиришда қабул қилинган қонун ҳужжатларига таянишини таъкидлаб ўтиш ҳам жоиздир.

Республика Жўқорғи Кенгес Раёсатига республика вазирликларини ташкил этиш, ўзгартириш ва тугатиш ваколатлари берилган. Раёсатнинг бундай қарори кейинчалик Жўқорғи Кенгес сессияси тасдиқига киритилади. (Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 85-моддаси 7-банди) Жўқорғи Кенгес қўмиталари билан вазирликлар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик мавжуд. Қўмиталар Жўқорғи Кенгес сессияларига масалалар киритар экан, соҳавий вазирликнинг фаолиятининг чуқур таҳлил қилади, камчилик ва нуқсонларини аниқлайди, ижобий тажрибаларни умулаштиради, аниқ таклиф ва тавсиялар беради.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва «Халқ депутатлари статуси ҳақида»ги қонуннинг 12- моддасига кўра, Жўқорғи Кенгес депутати республика вазирликларига сўровлари билан мурожаат қилишга ҳақли. Вазирликлар ўз навбатида депутатнинг сўровига белгиланган тартиб ва муддатга жавоб беришга мажбурдир. Бу ҳолат мамлакат ижтимоий, иқтисодий ҳаётида муҳим масалалар ечимига, тараққиёт ва адолат йўлига, қуйи тармоқлардаги нуқсонларни бартараф этишга хизмат қилади, қўл келади;

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва Вазирлар Кенгаши ҳақидаги қонунга кўра вазирликлар Вазирлар Кенгашига бўйсунди ва ўз соҳалари бўйича фаолиятлари йўналтирилиб, мувофиқлаштирилиб турилади. У юқори турувчи орган сифатида вазирликлар фаолиятига раҳбарлик қилади, вазирликларни шакллантиради, ҳуқуқий мақомини (статусни) аниқлайди.

Ҳукумат чиқарган ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, раҳбарий актлар сифатида вазирликлар учун мажбурийдир. Айти пайтда вазирликлар қабул қилган норматив ҳужжатлар Вазирлар Кенгаши томонидан бекор қилини мумкин (қонуннинг 12-моддаси).

Вазирлар Кенгаши вазирликлар фаолиятини мувофиқлаштириб ва йўналтириб боради, вазирлик ҳақидаги Низомларни тасдиқлайди, вазирлик ходимлари жадвали ва маблағ билан таъминланишини белгилаб беради, вазирларнинг ўринбосарларини лавозимга тайинлайди ва озод этади ҳамда вазирликка хайъатлар аъзоларини тасдиқдан

ўтказди, вазирликларни ташкил этиш ёки тарқатиб юбориш (тугатиш) борасида Жўқорғи Кенгес ва унинг раёсатига таклиф киритади.

Хўш, Қорақалпоғистон вазирликлари билан Ўзбекистон вазирликлари муносабатлари қандай?

Бу ерда ҳал қилувчи ҳолат – Ўзбекистон Республикасининг соҳавий вазирлиги Қорақалпоғистоннинг шу номдаги вазирлиги фаолиятини мувофиқлаштириш характерлидир. Ўзбекистон вазирликлари нисбатан кенгроқ раҳбарлик ваколатларига эга. Бунда ижобий тараф шундаки, Қорақалпоғистон вазирлиги балким Ўзбекистон Республикаси вазирлиги таркибига кирганлиги тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикасида яхлит соҳа – тизим амалда бўлиши қайд этилади.

Қорақалпоғистон вазирликларининг бошқарув фаолиятида уларнинг туман, шаҳар ҳокимлари билан алоқалари муҳим ўрин тутди. Улар ҳамкорликда жойлардаги ишлаб чиқариш комплексларига раҳбарлик қилади. Корхона, муассаса, ташкилотларнинг қонунларга асосан фаолият кўрсатишини назорат қилади, бошқа соҳа ва тармоқлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади. Масалан, ердан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, капитал қурилиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, ижтимоий-маданий, маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олиши мумкин.

Вазирлик билан маҳаллий ҳокимият амалга ошириладиган ижроия – бошқарув фаолиятида вазирлик республика миқёсида ўз соҳаси бўйича барча ишларга раҳбарлик қилади, маҳаллий давлат органлари эса тегишли ҳудудда давлат, хўжалик ҳамда ижтимоий- маданий қурилишни бошқаради.

Вазирлар Кенгаши ваколатлари. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси 1993 йил 6 августда Конституцияга асосан Вазирлар Кенгашининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколатлари доирасини аниқловчи «Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Сўнг 1998 йил 29 январда янги таҳрирдаги қонунни қабул қилди. Ушбу қонун талабларига биноан Вазирлар Кенгаши:

иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради; мулкчиликнинг барча шакллари уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий қурилишини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади, хўжалик юритишнинг янги шакллари барпо этишга ва мустахкамлашга кўмаклашади;

республикада пул ва кредит тизимини мустахкамлаш чора-тадбирларини кўради, республика бюджетини шунингдек республика иқтисодий ва ижтимоий риволантириш истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқаришини ва уларнинг ижросини ташкил этади, тизимини такомиллаштиради, ҳар хил вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалик тузилмаларини ташкил қилиш ва тугатиш тўғрисида Республика Жўқорғи Кенгесига таклифлар беради;

Фан ва техникани ривожлантириш чора-тадбирларини, шунингдек, табиий бойликларини муҳофаза қилиш, улардан самарали фойдаланиш бўйича дастурларни амалга оширади;

Фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштириш;

Соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантиришнинг ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга ёрдамлашади;

Республика давлат хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларини қўриқлаш, давлат манфаатини қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш тадбирларинини амалга оширишга кўмаклашиш, Республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради, табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўради, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунларга мувофиқ ҳукуматлараро шартномалар ва битимлар тузади, уларни бажариш

чора тадбирларини кўради. Юқоридагилардан ташқари Вазирлар Кенгаши фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида ҳам бир қатор ваколатларга эга.

Вазирлар Кенгаши вазирларнинг ўринбосарларини, давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарларини, бош бошқармалари ҳамда давлат бошқаруви бошқа идоралари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини лавозимига тайинлайди, лавозимдан озод этади. Хўжалик бошқаруви тузилмалари раҳбарларини ва вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар хайъатлари аъзоларини тасдиқлайди. Шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа тузилмалари ҳақидаги низомларни тасдиқлайди. Юқорида номи тилга олинган давлат ва хўжалик бошқаруви тузилмаларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади, агарда улар қабул қилган актлар амалдаги қонунларга зид бўлган ҳолларда, уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга.¹¹

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ўз фаолиятида ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантиришини таъминлаш билан боғлиқ масалалар билан шуғулланади. Шу мақсадда у маҳаллий ижро этувчи ҳокимият тузумларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади. Ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайди, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият мажмуининг сонини ва намунавий тузилмасини белгилайди.

Туман ва шаҳар ҳокимларининг амалдаги қонунларга зид бўлган қарорлари ва фармойишлари тўхтатиб қўйиш ва уларни бекор қилиш тўғрисида Жўқорғи Кенгесга таклифлар бериш ҳуқуқига эга. Вазирлар Кенгашининг тузилиши тегишли бўлимлардан иборат. Хар бир бўлим таркиби, унинг ваколатлари Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланган Низомда белгиланади.

Вазирлар Кенгаши иш тартиби. Вазирлар Кенгаши ўз ишини мажлисда ташкил қилади. Мажлисларни тайёрлаш ва ўтказиш тартиби Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши иш тартиби билан белгиланган.¹² Вазирлар Кенгаши Раиси Вазирлар Кенгашининг ишини ташкил этади, ўринбосарлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва кейинчалик уни Вазирлар Кенгаши Раёсатида тасдиқлатади.

Халқаро муносабатларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг вакили бўлиб ҳисобланади, ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди. Вазирлар Кенгаши ва унинг раёсати мажлисларида қараб чиқирилиши талаб қилмайдиган давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа барча масалалари бўйича қарорлар қабул қилади.

Вазирлар Кенгаши Раиси бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини унинг топшириғига биноан ўринбосарларидан бири бажаради. Вазирлар Кенгаши ўринбосарлари вазифалари тақсимотига мувофиқ ўзлари раҳбарлик қиладиган, туркум тармоқлари фаолияти учун жавоб берадилар. Тегишли вазирликлар, давлат қўмиталарининг фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг фаолияти юзасидан назоратни амалга оширади, уларга топшириқлар беради, Вазирлар Кенгашига киритилган таклифларни, қарорлар ва фармойишларнинг лойиҳаларини қараб чиқади. Вазирлар Кенгаши аъзолари ўзларига топширилган соҳа фаолияти учун жавоб беради.¹³ Вазирлар Кенгашининг доимий тузилмаси сифатида Вазирлар Кенгаши Раёсати фаолиятини кўрсатади. Вазирлар Кенгаши Раиси қарорига биноан Раёсат таркибига Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин. Вазирлар Кенгаши раёсатнинг ҳужжатлари: қарорлари, фармойишлар, баён қарорлар шаклида чиқарилади.

Алоҳида топшириқларни бажариш учун Вазирлар Кенгаши муваққат комиссиялар ва бошқа ички гуруҳларни тузиши мумкин.

¹¹ Қорақалпоғистон Республикаси «Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги қонун, 1998 йил (12-модда) 76.

¹² Қорақалпоғистон Республикаси «Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги қонун, 1998 йил (14-модда) 76.

¹³ Қорақалпоғистон Республикаси «Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги қонун, 1998 йил (17-модда) 96.

Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикасининг бутун худудида барча тузилмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Вазирлар Кенгашининг маромий тусдаги ёки жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Кенгаши қарорлари шаклида чиқарилади. Шошилиш ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлар Вазирлар Кенгашининг фармойишлари шаклида чиқарилади.

Вазирлар Кенгашининг қарорлари Вазирлар Кенгаши Раиси томонидан имзоланади. Вазирлар Кенгаши фармойишлари Вазирлар Кенгаши Раиси, у бўлмаган ҳолларда унинг топшириғига биноан ўринбосарларидан бири томонидан имзоланади. Вазирлар Кенгаши қарорлари ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Кенгаши ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бошқаруви тузилмалари орқали назоратни амалга оширади. Вазирлар Кенгаши ва унинг Раёсати мажлисларини ҳамда тегишли қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш, Вазирлар Кенгаши қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориш учун Вазирлар Кенгашининг бўлимлари фаолият кўрсатади.

Хулоса

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг конституцион ҳуқуқий маъсуллиги мазмуни, моҳияти асослари ва тартибини ўрганиш, жавобгарлик асослари ва турлари ҳукумат аъзоларига нисбатан қўлланиладиган конституцион ҳуқуқий санкциялар каби масалаларнинг илмий таҳлилига асосланиш, бу борада бир қатро хулосалар имконини яратади.

Шу жиҳатдан олганда, илмий тадқиқот ишида қуйидаги илмий назарий ҳамда амалий аҳамиятига эга бўлган таъриф, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган,

Назарий хулосалар:

Конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бошқа турларига хос бўлган умумий белгиларга эга, шу билан бирга унинг қуйидаги ўзига хос белгилари мавжуд.

А) Конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаш учун муайян ҳуқуққа хилоф ҳатти ҳаракатни содир этиш билан ифодаланган конституциявий ҳуқуқбузарлик асос бўлади. Жавобгарликнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик амалга оширилган ҳатти ҳаракатлар конституциявий қонунчиликда белгиланган натижалар олиб келмаган ҳолатда ҳам қўлланилади. Бошқача қилиб айтганда, конституциявий нормаларнинг бузилиши конституциявий ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш учун фактик асос ҳисобланади.

Б) Конституциявий ҳуқуққа ва конституциявий мажбуриятларга эга ҳуқуқ субъектларгина конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик субъектлар бўла олади, яъни юридик жавобгарликнинг бошқа турларидан фарқли равишда конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик тор доирадаги субъектларга нисбатан қўлланилади.

В) Конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бошқа турларидан фарқли равишда кўпроқ сиёсий жиҳатга эга. Фуқаролар ҳуқуқий жавобгарлик асосан мулкӣй характерга эга бўлса, конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик эса мулкӣй характерга эга эмас.

Г) Конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик чораларининг ўзига хос кўринишларини қўллаш назарда тутилади.

2. Конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасига юридик фанда ва қонунчиликда назарий ҳуқуқий жиҳатдан етарлича таъриф берилмаганлиги ҳамда конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик моҳияти ва мазмуни юзасидан олимлар ўртасида ягона ёндашув шакилланмаганлигини таъкидлаш мумкин. Бу ҳолатни конституциявий

ҳуқуқий муносабатлар субъектларини конституциявий ҳуқуқий жавобгарликка тортиш асослари, тартибини ишлаб чиқиш ва қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилишида бир қатор муаммоларнинг вужудга келтирувчи сабаблардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасига оид илмий изланишларни танқидий таҳлил қилиш баробарида унга қуйидагича таъриф берилади: конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик конституциявий ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ўзларига юклатилган конституциявий мажбуриятларини (ваколатларини) айбли равишда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд конституциявий ҳуқуқларини (ваколатларини) суийъстемол қилганликларига нисбатан қонунчиликда белгиланган конституциявий ҳуқуқий санкциялар қўллашда ифодаланадиган давлат мажбурлов чоралари мажумидир.

3. Қонунчилик ва ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги ислоҳатлар Вазирлар Маҳкамасига ҳозирги замон талаб ва эҳтиёжларига жавоб бера оладиган таъриф ишлаб чиқишга сабаб бўлади. Яъни, Вазирлар маҳкамаси давлат ва жамият иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларининг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий мажлисининг бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари ва давлат бошлиғи фармонлар, қарорлари ҳамда фармойишларининг ижросини амалга оширадиган, ушбу ижрони таъминлаш учун норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи, фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда манфаатларини ифода этувчи ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий коллегиял органидир.

Амалий ва ташкилий тусдаги таклиф ва тавсиялар:

Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг самарадорлигини ва қонунийлигини таъминлаш ҳамда бу тизимнинг ҳар бир бўғин ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўла тўқис бажармоғи учун унинг олдида турган баъзи муаммоларни бартараф қилиш мақсадида қуйидаги масалаларга эътибор бериш лозим:

Биринчидан, конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасига таъриф беришг.

Иккинчидан, конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасини, жавобгарликнинг асослари, турлари ва жавобгарликка тортиш тартибини ҳамда конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик субъектларини ўз ичига олган қонун ҳужжати қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг конституциявий ҳуқуқий жавобгарлиги асослари, тартиби, турлари, Ҳукумат аъзоларига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган конституциявий ҳуқуқий санкцияларни белгиловчи тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжатини белгилаш.

Тўртинчидан, конституцияда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини тартибга солувчи нормаларни кўпайтириш ва бевосита ҳукуматнинг конституциявий ҳуқуқий жавобгарлиги билан боғлиқ бўлган нормаларни акс эттириш лозим.

Бешинчидан, Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги тармоқ марказий органлари ҳисобланадиган вазирлик ва давлат қўмиталари ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятида вужудга келаётган муаммоларни қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда бартараф этиш ва ушбу фаолият натижасида келиб чиқувчи турли оқибатлар учун ҳуқуқ ижодкорлик субъектларининг фаолиятида масъулият ва жавобгарлик ҳиссини ошириш билан боғлиқ жиҳатларга алоида эътибор қаратиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Рахбарий адабиётлар

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

Асосий адабиётлар

Қўшимча адабиётлар

Электрон ресурс маълумотлари.